



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1999 йил 7 октябр пайшанба  
Сотувда эркин нархда № 198 (2236)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

6 октябр. Сеул. (УзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бугун эрталаб Президент Ислон Каримов Корея Республикаси молия ва иқтисодиёт вазири Канг Бонг Кюн билан учрашди. Сўхбат чоғида Ўзбекистонга киритилаётган сармоя ҳажмини ошириш, юртимиз билан ҳамкорлик қилаётган фирма ва компанияларни янада кенгроқ қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Сеулдаги Миллий қабристонда оройиш топган ватан ҳимоячилари ёдгорлиги пойга гул қўйди. Корея Республикаси Миллий Илғини раиси Пак Жунг Кюн билан бўлган учрашувда икки мамлакат парламенти ўртасида алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Президент Ислон Каримов Миллий Илғини фаолияти, қонунчилик соҳасидаги ўзгаришлар билан танишди, парламент биносини кўздан кечирди. Тушда эса "Лотте" меҳмонхонасида Жанубий Ко-

реянинг тўртта йirik ташкилоти томонидан Президент Ислон Каримов шарафига қабул маросими уюштирилди. Мазкур ташкилотлар — Ишлаб чиқарувчилар федерацияси, Ташқи савдо уюшмаси, Савдо палатаси ҳамда Кичик ва ўрта бизнес федерацияси бўлиб, уларнинг барчасида Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилиш кучли. Буни, тadbирини очар экан, Ишлаб чиқарувчилар федерацияси раҳбари, "ДЭУ" компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунг яна бир қарра тасдиқлади. Ўзе-

кстоннинг табиий заҳиралари ва ишчи кучи, корейс технологияси ва сармояси ҳамкорлик ривожини учун муҳим омил бўлади. Ислон Каримовнинг мазкур ташрифи фақатгина икки давлат билангина эмас, балки икки минтақа — Шарқий Осиё ва МДХ ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига ҳам катта туртки бўлади, деди у. Шундан сўнг Ислон Каримов сўз олиб, ўзбекистонлик ишбилармонлар корейс халқини яхши танишини, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида азалдан му-

стаҳамланган дўстлик алоқалари қарор топганини таъкидлади. Давлатлараро муносабатлар иқтисодий алоқалар пойдевори устига қурилади. Иқтисодий ҳамкорлик бошқа соҳалардаги муносабатларни ҳам мустаҳкамлайди. Жанубий Корея эса Ўзбекистоннинг етакчи савдо-иқтисодий шериғилар, деди Ислон Каримов. Куннинг иккинчи ярмида мамлакатимиз раҳбари Сеул политехника коллежига борди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. (ЎзА).

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Украинага ташрифи тўғрисида**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Украина Президентини Леонид Кучменинг таклифига биноан 1999 йил 7-8 октябр кунлари Украинага расмий ташриф буюради.

## ИСЛОМ КАРИМОВ КИТОБИ ҲИНД ТИЛИДА

Президент Ислон Каримовнинг 1997 йилда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қарорлари» китоби ҳоржзий мамлакатлар сиёсий, илмий ва ишбилармон доираларида катта қизиқиш уйғотишда давом этмоқда. Мазкур китоб араб, инглиз, иерит, корейс, немис, турк ва француз тилларига таржима қилиниб, жаҳоннинг қўллаб-қувватлаётганларида нашр этилган эди.

Яқинда Ҳиндистоннинг йirik ноширлик компанияларидан бири «UBC Publisher Distributors Ltd» Президент Ислон Каримов китобини Ҳинд тилида босмадан чиқарди. Нашрга Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингх сўзбоши ёзган.

«Президент Ислон Каримовнинг Ҳинд тилида чоп этилган китобига сўзбоши ёзиш мен учун юксак шараф, — деб ёзди Жасвант Сингх. — XXI аср арафасида Ўзбекистон олдига турган долларб муаммоларнинг танқидий кўз билан ўрнини қиқилган китобда ўз ифодасини топган».

Сўзбоши муаллифининг фикрича, Марказий Осиё ва Жанубий Осиё тарихий ва географик жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқ. Китобда ифода этилган хавфсизлик ва барқарорлик муаммолари буйича қарашлар ҳам ўзбекистонлик, ҳам Ҳиндистонлик сиёсатшунослар, социологлар ва стратегия тадқиқотчилари учун фавқулодда муҳимдир, деб таъкидлади Ҳиндистон ташқи сиёсат маҳкамаси бошлиғи.



Ҳасвант Сингх Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалаларига тўхталиб, Марказий Осиёда бир неча марта бўлганини ва Ўзбекистонга сўнгги ташрифидан Ҳиндистон ва янги мустақил давлатлар халқлари тақдирини бир-бирлари билан узвий боғлиқлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилганини қайд этди. Янги мустақил давлатларнинг порлоқ келажакига Жасвант Сингхнинг ишончи қомил. Марказий Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик борасида Ҳиндистоннинг стратегик шериги ва ақидапарастликка қарши курашда сингалган дўстидир. «Бу жиҳатдан ҳам китобда кўтарилган муаммолар биз учун ўта долзарб ҳисобланади. Уйлайманки, мазкур китоб жаҳонда тинчлик, осейишталликнинг қарор топиши, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик ришталарининг мустаҳкамланиши учун хизмат қилади», деб айтди китобга ёзган сўзбошини Ҳиндистон ташқи ишлар вазири.

«Жаҳон» АА.

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бундан уч йил аввал биринчи қақриқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида нутқ сўзлаган Президент Ислон Каримов фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш масаласига алоҳида урғу берган ва парламент қарори билан тузилган комиссия таърифида ҳуқуқий тарбия соҳасидаги ишларни яхшилаш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этилган эди. Кеча Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида ана шу гуруҳнинг фаолиятига бағишланган илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, ишчи гуруҳи раҳбари Баҳодир Эмомов бошқарди.

Ҳар биримизга маълум бўлиши керакки, қонунни билмаслик ҳеч қимни оқламайди. Уни билиш, унга риоя қилиб ишлар фуқароларимизнинг бурчига айланиши керак. Ҳуқуқий илми эгалламай ҳуқуқий маданиятга эришиб бўлмайди. Фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш масаласи ҳеч қачон ҳозиргидек кенг қўллама ўртага қўйилмаган. Кейинги уч йил мобайнида ҳуқуқий билимларни тарбия этиш соҳасида қатор амалий ишлар қилинди. Турли даражадаги анжуманлар ўтказилди. Конституция, Кодекслар ва қонунлар тўпламлари юз минглаб нусхада нашр этилди.

Эшлар, аёллар, тadbиркорлар, аҳолининг бошқа табақалари ўртасидаги ҳуқуқий билимлар тарғиботини олиб боришда муайян тажриба тўпланди. Тошкент Давлат юридик институти ҳузурида ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази фаолият кўрсата бошлади. Ҳуқуқий муҳофаза қилувчи муассасаларнинг марказий ва вилоят идораларини кўпчилиги ўз газеталарида эга бўлишди. Телевидение ва радиола, маъбуот саҳифаларида ҳуқуқий мавзулар доираси кенгайди. Давлат маъбуот қўмитаси, Адлия вазирилик, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда юридик адабиётлар нашр этиш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва чоп этилаётган адабиётлар-

нинг сифатини ошириш мақсадида олимлар, амалиётчилар ва мутахассислар иштирокида тақририят-ноширлик ишлари кенгайиш иш бошланди. Анжуманда оммада ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар қўтилган самараларни бериши учун ҳали кўп иш қилиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Сўзга чиққанлар, шунингдек ҳуқуқий тарбия кенг маънодаги тушунча эканлиги, у оддий фуқаролар тортиб турли даражадаги идораларнинг масъул ходимлари, ҳатто мансабдорларгача тааллуқли эканлиги, бу ишни табақалаштириб олиб боришнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритилди. Аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни оммалаштириш давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа эканлиги, бу соҳада маъбуотга алоҳида эътибор бериш лозимлиги таъкидланди. Анжуманда иштирок этган Америка юристлар ассоциациясининг мамлакатимиздаги вакили Сьюзан Шнайдер сўзга чиқиб Ўзбекистонда ҳуқуқий тарғибот ҳолати бунча ўз кузатувлари билан ўртоқлашди.

А. АБДУБАННОПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



## БОҒЛАР ШАРБАТГА ТЎЛДИ

Дастурхонимизни ноз-неъматларсиз тасаввур эта олмайдиз. Аслида ҳам йилнинг ҳар тўрт фаслида унга ширин-шакар мевалар зийнат бериб туради. Бунинг учун, албатта, миришкор боғbonларнинг меҳнатига ҳар қачон тақдирлар айтсак арзийди. Қува туманидаги Шароф Рашидов номи жамоа хўжалиги республикамизда анор етиштиришга ихтисослашган ягона хўжалиқдир. Бу ерда жорий йилда 345 гектар анорзорда мўл ҳосил етиштирилди. Шу билан бирга, 305 гектар боғда-

ги беҳи ва бошқа мевалар ҳам гарқ пишди. Айни кунларда жамоа аъзолари беҳи ҳосилини йиғиштириб олишга астойдил киришди. СУРАТДА: пудратчи Ислонжон Қодиров, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Мастура Сайфиддинова, пудратчи Шўхрат Холдиков ва бригада бошлиғи Абдулҳафиз Низомов ҳосил чўтидан мамнун. Рўздат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

## Буюк ипак йўли: «ЭЛЛИКҚАЛЪА» БЕКАТИДА ИШ ҚИЗГИН

Маълумки, «Султонвайс-тоғ-Элликқалъа, Тўртқул-Мискин-Учқудуқ» темир йўли асримиизнинг муҳим иншоотларидан биридир. У қуйи Амударё воҳасини тўғридан-тўғри мамлакатимиз пойтахти билан боғлаб, катта миқдордаги сарф-харajatларни тежаш, имконини беради, йўловчи ва юк ташиш учун қатор қулайликларни вужудга келтиради. Янги темир йўл қадимий Буюк ипак йўлининг муҳим тармоғи ўрнида лойиҳалаштирилди. Шу кунларда магистралнинг барча йўналишларини қатори «Элликқалъа» бекатида ҳам бунёдкорлик ишлари қизгин. Қадимда не-не қарвонлар ўтган Думанқалъа ёдгорли-

ришдилар. Яқин келажакда бу ердаги турар-жойлар сони 230 тага етказилиб, муҳим ижтимоий инфратузилма мажмуи — мактаб, болалар боғчаси, ҳаммом, алоқа уйи, халқ банки шох-бобчаси қад ростлайди. Янгибой ҚҲҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ҚИРГИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТ ХУСУСИДА

Қирғизистоннинг «Қабар» ахборот агентлиги хабарларига қараб, Боткен, Қадмжон ва Чўн Олой туманларида барқарор вазият сақланиб турибди ва қўшинларнинг берилаётган гуруҳи томонидан назорат қилинмоқда. Қирғизистон ҳукумат қўшинлари сўнгги вақтда республика ҳудудига бир неча кичик гуруҳларга бўлиниб сўқилиб кириш тактикасини танлаган террорчиларни таъкиб қилмоқда. Ҳарбий бўлинмалар Боткен — Ҳожак Ачкон, Булоқбоши, Донон, Роутон, Ҳайдарқон — Тузбел, Қумбел, Қарамик — Бўқбоши, Узун Мурун ва бошқа йўналишлардаги довлонларни тўсиб қўйди. Жангарилар Ҳожак Ачкон тоғ дарағида яшириниб турибди. Бундан ташқари, маҳаллий аҳоли Сирт, Сой ва Газ қишлоқлари атрофида 5-10 кўролли жангариларни бир неча бор кўрган. Зарлоли қишлоғи ва унинг атрофи қўла-бақадан текшириб чиқилмоқда. Жанговар операциялар чоғида жангариларнинг ўз ихтиёри билан асирга тушиш ҳолати кўпайди. Шундай операцияларнинг натижасида олти нафар жангарилар ўз ихтиёри билан кўроллари топшириди. Бишкекда Президент Асқар Акаев раислигида Хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда республика жанубида хавфсизликни мустаҳкамлаш ва халқаро терроризмга қарши курашни кучайтиришга доир шўшилинги чора-тадбирлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Хавфсизлик кенгаши мажлиси якунида бунча жанговар ҳаракатлар зо-насидаги вазиятга оид бир неча қарор қабул қилинди. Бу қарорлар давлат хавфсизлигининг қўлтига мураккаб масалаларни тўдан ҳал эти-

ши лозим. Қирғизистон Хавфсизлик кенгаши котиби Булот Жонузоқовнинг гапларига қараганда, республика жанубидаги жангарилар Тожикистоннинг Қирғизистонга туташ туманларидан ўзлари учун зарур бўлган ҳарбий куч, ўқ-дори, озиқ-овқатни олиб турибди. Б.Жонузоқов мамлакат жанубидаги вазиятни таҳлил этишга асосланиб, террорчиларни тайёрлайдиган халқаро базалар жойлашган Афғонистон ва Покистондан келаятган қўлларни жангарилар сафларини тўлдиряётганини айтди. Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби жангариларнинг Марказий Осиёдаги бу минтақага қизиқайганининг сабаби шимолнинг йўналишида наркотик моддалар ташиладиган асосий йўлни ҳимоя қилиш эканини таъкидлади. «Шимолнинг йўналишида наркотик моддалар қайриқонуний савдосининг 70 фоизи Жума Намонгоний қўлидадир», деди Б.Жонузоқов. Хавфсизлик кенгаши котиби қўлидаги маълумотларга қараганда, бу йил Афғонистонда қора доғидан беш миң тоннага яқин ҳосил йиғиб олинган. Террорчилар тузилмаларининг республика жанубидаги ҳарбий режаларининг барбод бўлиши наркотик моддалар ва терроризмни четта экспорт қилишни хавф остида қолдиради. Унинг фикрича, жангарилар бу йил қўниб чиқарилса, улар келгуси йилда албатта қайтиб келинади. Шу сабабли, деди Б.Жонузоқов, вақт бу масалаларни тўдан ҳал этишни, хусусан, Тожикистон билан қўшни туманларини барпо этишни талаб қилмоқда. Рафат ЖАМОЛОВ (ЎзА).

Шафоатли Истиқлолимиз 8 ёшга тўлди. «Халқ сўзи» газетаси ҳам 8-ёшини бошидан кечирмоқда. Демак, айтиш мумкинки, «Халқ сўзи» том маънода Истиқлол наشري, Мустақиллик фарзанди! Инчунин, у шу йиллар мобайнида шаклланди, тобланди, оёққа турди. Энг муҳими, ўз ўқувчисини топди. Газета ҳозир ҳам Хуррият ва Эрк қўшиғини қўйлаб ҳар тонг оstonдон-гизга кириб бормоқда — Истиқлолнинг хуш неъматини бўлиб, Сизнинг яқин ҳамроҳингиз ва маслаҳатчингиз бўлиб, дардлашингиз ва дуоғўйингиз бўлиб! Биз Сиздай зукко ва доғишманда газетхонни топиб хато қилмадик. Сиз ҳам «Халқ сўзи»ни танлаб алашмадингиз. Негаки, почтачи ҳар кун эшигингизни тақиллатганда, биласизки, «Халқ сўзи» Сизни йўқлаб келган бўлади, бир пайла чой устида ҳар кун у билан гурунлашасиз. Зеро, у бир йилда Сизни

Обуна-2000  
**РОСТ СЎЗ ҚАДРИ**  
260 марта «безовта» қилади, 260 марта суюнтиради. Чунки «Халқ сўзи» мамлакатимизда ҳафтада 5 марта чиқадиган ягона газетадир. Хурматли муштарийлар, Муҳтарам тadbиркорлар, Жаноби ҳокимлар! Сиз газетамизнинг мазмун-мундарижасини яхши биласиз. Шундай бўлса-да айтиб ўтиш жоиз. Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар ҳамда бошқа қатор норматив ҳужжатлар ва актлар, энг аввало, «Халқ сўзи»да нашр этилади. Сиз оҳори тўқилмаган, эндигина тандирдан узилган хушхабарларини ҳам ушбу нашрдан «истеъмол» қиласиз. Маълумки, бугунги кунда ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан бормоқдамиз. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида қонуни устуворлиги кўзга ташланмоқда. Буни Сиз аниқлардан келаятган мактублар ҳам исботлай турибди. Бироқ бу дегани тўрачлик, сунистеъмолчиликлар бутунай йўқолди, дегани эмас. Шу туғайли газетамиз қошида қалами ўткир журналистлардан иборат Алолат гуруҳи ишламоқда. Бирор сигнал тушгудек бўлса, бу гуруҳ ёнингизга бир зумда етиб боради. Улар масалани чуқур, ҳуқуқий жиҳатдан пухта таҳлил қиладилар ва Сизнинг ҳимоянгизда бўлишади. Чунки газета Сиз қўллаб-қувватлаётган Президент ва давлат сиёсатини очик-ойдин ва рўй-рост айтиб келмоқда ва айтаверадилар ҳам! Зеро, рост сўзининг қадри баланд, қиммати улғу бўлади. Рост сўзини енгиб бўлмайди! Шу йил 25 сентябрда республикамизда 2000 йилда чиқадиган газета ва журналларга обуна бошланганлиги муносабати билан дейимизки, бу гап Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг наشري бўлган «Халқ сўзи» газетасига ҳам дахлдордир. Маънавий ҳамроҳ танлашда адлашман! Напримизнинг индексларини ёлда тутиш: «Халқ сўзи» — 229, «Народное слово» — 116.

Сүз — партия етакчиларига

оқиқдан-оқиқ, «Биз сон кетидан кувмаймиз, бизга сон эмас, сифат керек» дейишди. Улар бу билан, Сизнигча, нимага ишора қилмоқчи бўлишди?

Бу, яъни қанча аъзога эга бўлиш масаласи ҳар бир партиянинг ўзининг ички иши. Бу ишлар ақл ургатиш ниятидан йироқдир. Дунёда қанча мамлакатлар мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бирида ижтимоий-сиёсий жараён, амалиётлар фаолияти амалиёт Уига ҳо сон тарзда содир бўлади.

«Неча киши тарк этди», деб сўраётганингизни ўзи ҳам бу жараённинг оммавий тусда юз бермаганлигини кураб турибди. Акс ҳолда, «неча минг киши тарк этди», деб сўраган бўлардингиз. Партиянинг, у ёки бу сабаб ила қилиб кетганларни бармоқ билан санаё бўлади.

масала, бу — алоҳида жиддий мавзу. Иккинчидан, партиялар ўртасидаги «эгизаклардек ўхшашлик» масаласи ҳам, аввало, дастурий, яъни қўзғалиш фарқ маъносидан тушулмаслиги керак. Партиялар ўртасида мутлақ бир-бирига ўхшашлик даражасидаги фарқнинг бўлиши асло мумкин эмас. Чунки турлош, айнан нарсалар, жумладан сиёсий партиялар бир-бирларига ўхшашликлари боис ҳам ўзаро «фарқланадилар». Масалан, бозорга қовун олгани борган одам унинг сифатини пизез билан таққослаб, аниқламайди. Мамлакатимизда э та сиёсий партия маъжудлигининг ўзи амалдаги демократиянинг жиддий ютуғи бўлиб, энг муҳими, одамлар улардан бирини танлаш имкониятига эгадилар. Партиялар ўртасидаги фарқ, биринчи қалда, назарий-ғойий тусда эга бўлмай, балки уларнинг жамият сиёсий таъсирини — давлат идоралари тизимла-

ий тараққиёти даражасига боғлиқ бўлади. Масаланинг мураккаблиги шундаки, онгимизи, жумладан сиёсий қарашларимизни ривожлантириш учун унинг ҳаётий негизларини, турмуш тарзини тараққий эттирмоқ зарур. Ҳаётий, турмуш тарзини тараққий эттириш учун эса онгимиз даражаси олдинда турган вазифаларни ало этишнинг уласидан чиқиш имкониятларини яраттиши лозим. Бу ерда қандайдир боши берк қуцага кириб қолгандай бўласиз. Бундан ҳолдан чиқариш битта йўли бор. У ҳам бўлса — эриб чиқиш. Бир-бирига ўхшашликнинг сифатидан, олдин, шундоқки на овоз бериш муолажасидан иборат бўлмай, яъни пайта, энг асосийси, кимнинг, нима учун, қаерга сайланаётганини аниқ билиш, эмин-эркин, ихтиёрий равишда, шакллантирилган давлат ҳокимияти идораларини бутун жамиятнинг фуқароларининг сиёсий, эйрақ, талабдан нигоҳлари, назоратлари остида мунтазам ўшаб туриш ҳам демократия.

«Халқ сўзи» муҳбири Исмат МУХИДРОВ суҳбатлашди.

Мамлакатимиз, айни пайтда, қизғин сиёсий палла — сайловлар олдидан турибди. Шу йилнинг 5 сентябр кунини давлат ҳокимияти вақиллик идораларига эа 2000 йилнинг 9 январ кунини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар бўлиб ўтади. Бу сиёсий жараёнда, табиқий, сайловлар кўрсаткичи ҳуқуқни қўлга киритган бarchа сиёсий партиялар жиддий ҳозирлик кўришмоқда. Тахририятимиз уларнинг сайловлар ҳаракатлари, мақсад ва вазифалари билан эътиборларини табиқий равишда сиёсий партиялар раҳбарлари билан мулоқот ўтказишни мақсадга мувофиқ, деб толади. Шу боис, муҳабиримиз дастлаб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдухалиқ ЖАЛОЛОВга мувожабат қилди.

Сайловчилар Халқ демократик партияси (ХДП)га, бир томондан, унинг аъзоларининг сонини жиҳатидан кўп сонли ҳамда кўп йиллик таърибига эа партия сифатида қараса, иккинчи томондан, оқимини айтиш керак, «меросур» партия, деб ҳам мунасабат билдиришди. Сизнинг, энг аввало, ана шундай таърибларга мунасабатининг нилмоқчи эдик. — Аввалбор, Сиз айтатган нарсани, бу — барча ёки кўпчилик сайловчиларнинг фикри эмас. Маъжур фикр мулоқозлар, ҳатто, уларнинг маъжур қисми вақилларининг, ижтимоий сўзлар орқали ишончли тарзда аниқланган қайфиятини ҳам акс эттирмайди. Улар, нари борганда, айрим кишилар томонидан баъзи ҳолларда билдирилган яқса-дўққа, чуқур асосланмаган, юзак қарашлардан ўзга нарсани эмас. Бирок, бу билан биз ўшаб қарашлар ҳеч қандай шикоят-эйтиборга молик эмас, демократия эмасиз. Аксинча, улар муайян таърибли тақозо этиди. Масалан, «аъзолари жиҳатидан кўп сонли ҳамда кўп йиллик таърибига эа партия», деган фикрни олайлик. ХДП кимга нисбатан кўп сонли? Бизнинг мамлакатдаги бошқа сиёсий партияларга нисбатан олсак, худди шундай. Аммо, жаҳоннинг бошқа мамлакатларидаги айрим етакчи партиялар аъзолари сонини уларнинг аҳолиси сонига нисбатидан келиб чиқариладиган бўлса, у ҳолда, биз ҳар хил манзарани кузатишимиз мумкин. Ана, аҳолиси биздан 2 маротабадан сар кўпроқ Буюк Британиянинг ҳозирда мамлакатини идора этувчи Лейбористлар партиясининг аъзолари сонини бизнинг партияимиз аъзолари сонидан қариб 15 маротаба кўп. Ваҳоланки, маъжур мамлакатда ундан зиёд сиёсий партиялар фаолият кўрсатади. Ёки бўлмаса, Германияда ҳозир ҳокимият тепасида турган сиёсий кўп — СДП (Германия Социал-демократик партияси) аъзолари мамлакат сайловчиларининг, яъни баълоғат ёшларга аҳолининг, 4-5 фоизига тенг даражада. Унда партиялар мавжуд Россияда бутун мамлакат аҳолисининг 2 фоизга яқинлигига сиёсий партиялар аъзолари. Ўзбекистон ХДП аъзолари сонини жаҳонда кенг тарқалган амалиётга ҳамоҳаз, Энди, «кўп йиллик таърибга ҳусусиета келсак, бу ҳам нисбий тусга эа. Унинг таъриб-

қўиш ишлари билан шуғулланишди. Мамлакатдаги ялли сайловлар мунсабатидан билан бутун АҚШ халқи, гўёки ана шу иккита партия ўртасида тақсимланиб қолгандек, давлат ҳокимияти идораларидаги барча масъул вазомилар, асосан, маъжур сиёсий партиялар вақилларининг сайловлардан олган ўринларида мунотосиб тарзда тақсимланади. Жаҳондаги сиёсий партиялар фаолияти амалиётда «муҳим аъзолар сонини уларнинг таърифлашдаги муҳим вазомилардан биридир. Албатта, сиёсий партиянинг жамият ҳаётига таъсири, бевосита унинг аъзолари сонини билан эмас, балки, у ёки бу сиёсий партиянинг давлат ҳокимияти идоралари тизимда эгаллаб турган идора этувчилик, муҳофизатчи, оралик» ўрни билан белгиланади. Демак, кўриниб турибдики, гап сонда эмас, балки унинг сон санолигига таъйин, сиёсий партиянинг тегишли сифатлари ижтимоий-сиёсий мақомга эриша олишида. У ёки бу партиянинг «биз сон кетидан кувмаймиз, бизга сон эмас сифат керак», деган гапи маъжур сиёсий партия чинакам демократик сайловларда ҳаққоний ютиб чиққанлигига эа таъсирини топади. Бошқа ҳолларда, бу гап эа сафларига янги аъзоларнинг жалб қила олмаётганилиги ҳаспўшлалдан ўзга нарсани эмас, менимча. Зеро, сифат тушунишдан бу ерда партия аъзоларининг шахсий ҳисепларини эмас, балки сиёсий партиянинг жа-

ларини йўқ. Партияимизнинг айрим собиқ аъзолари ҳозирда мамлакатимизда ташкил топган қатор сиёсий партияларнинг намонадлари, ёзилари парламент — Олий Мажлисга ёки давлат ҳокимияти маҳаллий вақиллик идораларида сайланган таъинли кишилар. Улар билан инсоний иллик мунсабатлар доирасидамиз. Нима ҳам дердик, чинакам кўппартиялиликка асосланган ҳаққоний демократиянинг қарор топиши йўлида партияимиз бисотидаги бор санолигини бошқа сиёсий партиялар билан баҳам кўрмақда...

Партияимиз сафларидан чиққанлар сонини шу даражада камки, ҳатто, у партия сафларига кириш ва чиқиш нисбатидан ҳеч қандай жиддий дил эҳд кураётган бўла омайди. Аммо, битта нарсани аниқ ўтган беш йил давомида ва, умуман, ҳозиргача партияимизнинг бирон-бир аъзоси гоийий-сиёсий идлоа ила унинг сафини тарк этгани йўқ. — Қаерда бўлмайлик, кўпчилик сиёсий партияларнинг дастурига ишора қилибми, «Партияимизни бошқа партиялардан ишора қилиб, ҳаммаси, эгизаклардек, бир хил-ку», деб таъна қилишди. Ана шундай таъна-қилишларда қанчалик ҳақиқат бор? Ёки бу фуқароларимизнинг сиёсий оғти даражаси билан белгиланадими? — Албатта, сиёсий партиялар фаолиятида уларнинг да-

ган олийжаноб, мафтункор, жозибали, эзгу ниятларга ҳаёт этишди, уларга эришиш учун самарали курашга бишладилар. Шундан келиб чиққанда демократик давлатлардаги ийрик, маъжур сиёсий партиялар ўртасида жиддий фарқ эа тургани, ҳатто, уларнинг бизнинг тасаввуримиздаги дастури ҳам, йўқ эканлиги тушуларди бўлади. Бирок уларда тўлақонли фаолият кўрсатуви, сиёсий партиялар мавжуд. Айни пайтда, сиёсий партиялар мафтункор дастурига эа бўлгани ҳолда, тўлақонли фаолиятнинг ўзи ҳастада кузатишмаслиги мумкин. Бунинг муҳияти, шунга «ўшаш қўиладиган» масалаларда кўра бўлади. Масалан, Буюк Британияда қозғола биланги Конституция йўқ. Бирок ҳеч қим маъжур мамлакатдаги демократияни, ундаги ҳаётий қонунлар негизда юз бераётганини ҳеч қандай шубҳа эа унинг илгор демократик мамлакатлар халқлари сиёсий оғти, ижтимоий фаолияти билан таққослайдиган бўлсак, бу мутлақ бошқа ҳолат. Яъни улар даражасига этишиш учун ҳали кўп сарф-ҳаракатлар қилишимиз лозим. Иккинчидан, сиёсий оғти бир томондан жамият маънавий ҳаётининг бошқа жаҳалари (умумий, олий ва ўрта махус таълим тизимлари, умуммаданий ривож, ҳуқуқий савия), иккинчи томондан мамлакат иқтисодий-ижтимо-

ийборат бўлмай, яъни пайта, энг асосийси, кимнинг, нима учун, қаерга сайланаётганини аниқ билиш, эмин-эркин, ихтиёрий равишда, шакллантирилган давлат ҳокимияти идораларини бутун жамиятнинг фуқароларининг сиёсий, эйрақ, талабдан нигоҳлари, назоратлари остида мунтазам ўшаб туриш ҳам демократия.

«Халқ сўзи» муҳбири Исмат МУХИДРОВ суҳбатлашди.

СОФ ДАРОМАД — 25 МИЛЛИОН СЎМ

Сирдарё туманидаги Охунбоев номли ширкат ҳужалиги деҳқонлари вилоятда биринчи бўлиб уруғлик пахта тайёрлаш йиллик режасини ошғи билан ало этилди. Эл хирмонига 1260 тонна сифатли ҳамашэ этказиб берилди. Олид Ортиқбоев, Суннат Холматов, Шокир Зарипов ва Бахтиёр Ортиқов сингари оилавий пуларчилар ҳар гектардан ўртача 25-28 центнердан ҳосил кўтарган бўлса, Аҳмад Тожиев, Жамила Ортиқова, Гулбаҳор Жўраева, Фотима Шомуродова сингари теримчиларнинг ҳар бири мавсум бошидан бери 5-6 тоннадан пахта теришди.

Хўжаликда қўлпаб оилалар 20 кун давомида 40-45 минг сўмдан даромад олди. Йил якунига қўра уруғлик пахтага тўланиши мўлжалланган қўшима ҳақ ҳисобга олинмаган бўлса, битта оиланинг даромади 140-150 минг сўмни ташкил этиди. Хўжалик бўйича даромад 25 миллион сўмдан орғиб кетади. Бугунги кунда хўжалик далаларида йигим-терим ишлари уюшқоқлик билан давом эттириляпти.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ПАСТДАРҒОМНИНГ ИЛК ҚАЛДИРҒОЧИ

Самарқанд пахтачилигида Пастдарғомнинг ўз ўрни бор. Туман пахтакорлари бу йил 21805 тонналик оқ олтин хирмони яратиш йўлида меҳнат қилмоқдалар. Далада етиштирилган мўл ҳосил, уни йиғиштириб олиш борасидаги жиддий ҳаракатлар режанинг бемалол удаланишидан далолат бермоқда. «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги туманда дастлабки довонни эгаллаган илк қалдирғоқ бўлди. Хўжалик пахтакорлари 645 минг тонналик хирмон уйишди. Қувончлиси, ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Қисқа муддатда белгиланган режани ошириб удалаган илгорлар яна 100 тонна саноат ҳамашэси йиғиб-териб олишга аҳд қилишган.

Абдурусул САТОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



«Пахта-99»

Республика пахтазорларида йигим-терим ҳақ қилувчи паллага кирди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумки, ҳукумат қарорига республика ижтисолаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта-банк» зиммасига ҳам алоҳида вазифа юклатилган.

Жамоатчи муҳбиримиз банк бошқаруви раиси Ж. САЙФИЛДИНОВ билан ана шу ҳусусда суҳбатлашди.

Жамшед Бадрядинович, деҳқонлар «ҳосилнинг даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб» дейишди. Мавжуд ҳосилни тезу соз саранжомлаб олиш эса терим суръатига, дала меҳнаткашларини ўз вақтида моддий рағбатлантириб боришга кўп жиҳатдан боғлиқ. «Пахта-банк» томонидан бу борада қандай ишлар амалга оширилмақда? — Ҳукумат қарорининг 10-бандида тегишли ташкилотлар қатори бизнинг банкимиз зиммасига ҳам қатта масъулият юкланган. Даладаги ҳосилни ёғин-сочини қуналарга қолдирмай, барвақт саранжомлаш учун ўз ўрнинини олдидан белгилаб, мавсумга пухта тайёрларлик кўридик. Республика Молия вазирлиги қошидаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилмайдиган қишлоқ хўжалик махсу-

— Банкнинг жойлардаги бўлимлари фаолият ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз... — «Пахта-банк» республикадаги энг йирик ва нуфузли тижорат банклармори хизматидан фойланмоқда. Ҳамма бўлимларимизда тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда йигим-теримни нақд пул билан таъминловчи махус ишчи

«Пахта-банк»: Қарор ва ижро

лотлари ҳисоб-китоб жағмармаи» томонидан ажратилмайдиган маблағлар ҳисобидан «Узпахтасаноат-сони» акциядорлик уюшмасига кредит ресурсларини тегишли маълумотлар асосида амалда тайёрланган пахта ҳамашэси миқдорига қараб ажратиш ва уни хўжаликларга ўтказиб бериш тадбирлари ишдаб чиқилди. Йигим-терим шаврининг нақд пул билан таъминлаш олдидан пухта режалаштирилган турфайли меҳаник-ҳайдовчи ва қўла терими ширроқчилари билан ҳар беш кунлик яқун бўйича узулқиса, тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб борилмақда. Ҳукумат қарорига белгиланган қўшима ҳақ, қўлда терилган бир килограмм пахта учун навиға қараб 8-9 сўм, механик-ҳайдовчиларга эса машинанинг рўсумига қараб, 1 тонна пахта учун 100 сўмдан 200 сўмгача ҳақ тўланапти. Пахтани юк-лаш, ташини, тушириш, жойлаштириш, қайта ишлаш, терим машиналарига техник хизмат кўрсатиш, тузатиш билан банд бўлганлар билан меҳнатга ҳақ тўлашининг идоравий ички метерларни бўйича ҳар 15 кунда ҳисоб-китоб қилиб борилмақда.

«Пахта-банк» банкларо телекоммуникация тизимига киритилган бўлиб, унинг барча бўлимлари ўртасида электрон тўловлар ва банк ички ахборотларини саноқли дақиқаларда узатиш учун тақомиллаштирилган имкониятлар яратилган. Шу йўсида пахта йигим-терими иштироқчилари билан ўзаро ҳисоб-китоблар махус ҳисобварақаларда юритилиб, банк тизимда қўлалилаётган телекоммуникация воситаси, ҳусусан электрон тўловлар тизими орқали ўз вақтида ва тўла амалга оширилмоқда. Энг муҳими, ўшаб янгилик республиканинг истаган нуқдасига тўлов ёки маълумот кўришидаги ўтказмаларнинг 3-4 дақида иккада етиб боришини кафолатлайди.

СуРАТЛАРДА: меҳаник-ҳайдовчи Б. Уматов, бошқаруви раиси А. Ҳамидов, бригада бошлиғи Н. Тожиев, беш агроном Н. Жўраев пахтазорда; машина терими; Лайло Заҳириддинова қунига 140-150 килограммдан пахта териб, бошқаларга ўрнак бўлмақда.

К. АБДУҚУНДУЗОВ олган суратлар.

Самед Йўлдош суҳбатлашди.

Дунё қарама-қаршиликлар бирлигидан иборат. деган гап рост. Аслида-ку, муаллим талабига баҳо қўлади. Лекин, ўқитувчининг баҳосини талабодан сўраш, деган ақидо ҳам бор-да.

Хар қандай иллатни барта- раф этиб, жамики ҳислат ва фазилатлари камолга етказ- ва боришни аниқлаштириш. Шунга қамқил дейдилар...

«Ибн Сино ва Данте» деган аjoyиб ташқиқоти чоп этил- ганнинг аҳли билдилар. Шундай муаллимнинг уйлари- га келганидан қунониб кет- дилар. Зар қарини заргар- билгани шундир-да. Ахир, «Ибн Сино ва Данте» рисо- ласи ўшанда ўзбек миллий тафаккурини бирдан ёритиб- юборган эди. Чунки «буюк»

ти форсий-туркий умумдабий майдонда таҳлил этилди. Олим тадқиқотларида тар- жималари ўрғинилган асарлар- нинг ахсарияти тасаввуф ада- биети намуналари эди. Улар- нинг ўзини, «бинобарин, тар- жималарини бу философия моҳи- ятидан беҳабар ҳолда тушуниш- ҳам, тушутириш ҳам мумкин эмас эди. Бу — биринчидан.

лим олганлари, ТошДуан ташқари, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Дав- лат ва жамият қурилиш академиясидаги илмий-таъ- лимий фаолиятларини са- наб, Воҳид Абдуллаев, Бо- тир Валиқўшев, Раҳмонқул Орзибеков, Қутбиддин эшон Муҳиддинов, хуусан, Ғайбулла ас-Саломдек усто- зи комиллардан илму одоб ўрганганларини, улар йули- ни изчил давом эттираёт- ганларини ҳам батафсил айти- б ўтирмадим. Лекин у ки- шининг Ўзбекистон Респу- бликаси Президенти левоини ҳамда Ўзбекистон Респу- бликаси Марказий сарлов- комиссиясидаги сиёсий-ижти- мий фаолиятларини қайд этиш, истиқлолнинг мил- лий давлат қуришда заиёла- рга қанчалар сунъатганини таъкидлаш зарур.



НОЁБ НЕЪМАТ

Китоб туманидаги «Аса» пайчиқ жамияти бу йил 51 тонна шиғобаши маҳсулот етиштиришни режалаштиришидир. Ана шу мақсадда 66 нафар ишчорачи билан ўза- ро шартнома асосида иш олиб борилади. Қиёб бориқан тадбирлар мўлжаллабидан кўпроқ — 70 тонна асал етиштиришга имкон туғдири- лмоқда.



СУРАТЛАРДА: асаларчилар Сайдали Эсонов ва Ражаббой Эгамбердиев. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

# ЎЗЛИКНИНГ СИРИ

Домламиз учинчи бос- қиш талабларига форс- тилидан ларс берар эдилар. Кейин билдик, журналисти- ка факультети ўқув дастури- га эски ўзбек тили ва форс- тили киритилиши айнан ана шу эски муаллимнинг ташаб- буслари ва жонқурликлари билан амалга ошган экан. Ўзбек журналисти миллий матбуот тарихини билиши керакми, дебдилар домла. Албатта, деб жавоб беришибди. Ахир, бир асрилик ўзбек матбуотининг ярмидан кўпроқ даври газета-журнал- лари араб алифбосига асос- ланган эски ўзбек ёзувида бўлса, талаба улар билан қан- дай танишади? Бундай куч- ли маънавий рад этиб қўринг-чи! Матбуот ҳодими бирор чет тилини билиши шартми? Шарт. Нета энди ўзбек журналисти фақат Ғарб тилларидан бириниги- на ўрганишга мажбур эти- лиши керак? Марҳамат, хоҳ- ласа, бирор Шарқ, масалан, форс тилини ўрганиш. Ким ўшай форс тилини, деб сўра- шиби. Мен, дебдилар. Шу билан бу масала ҳам ҳал бўлибди-қўйилди.

Шу домламиз рус гуруҳ- ларига жон қуйдирик ўзбек тилини ўргатар эдилар. Кейинги йилларда ўзбек таржимачилиги тарихи, тар- жима назарияси ва амалиё- ти фанларини ҳам шу дом- лада ўқидик. Бу дарсларда адабиёт тасаввуримизда бир бутун даракт ангилг гавад- лантириллар эди. Хар бир миллий сўз санъати унинг бир шохиди эди. Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўза- ро таъсири, арабий, форсий, туркий сўз оламнинг узвий вобасталиклари, баъдий ижод ривожига тилнинг аҳамияти, адабиёт, санъат, тарих, философиянинг бир-бирига чамбарасан боғлиқлиги, ижод ва ҳаёт, санъат ва шахс

алоқадорликлари хуусидаги ўқри мулоҳазаю чўқур таҳлил- лар ёш тафаккуримизга аста- секин умумжаҳон тамалдуни (цивилизация) қонуниятларини синдирил, дарсдан дарс- га дунёимиз кенгай борар эди. Энда бир хаёлга келтиринг: бу энда дахрийлик (атеизм) маҳ- суус фан сифатида ўқитилиб турган бир замонда биз гоҳ эски ўзбек тили, гоҳ ўзбек тар- жимачилиги тарихи, гоҳ тар- жима назарияси ва амалиёти- ни ўрганиш асосида ислом, бу илоҳиёт оламнинг моҳия- ти, тасаввуф, бу таълимнинг адабиётимиз, умумманавияти- ми равақига қўшган улкан ҳиссаи тўғрисида пишиқ-пух- та маълумотлар олар эдик.

Бу чин миллий эиблилар- нинг шўро истибодига исқан- жасида ўзликни англаш йули- да зимдан олиб борган кура- ши кўринишларидан бири эди. Узликни англашга ҳар ким хар хил тушунади ва тушун- тирилади. Ўзлик тушунчининг ҳозирги — биз талқин этила- диган маънос билан тасаввуф- га моҳити ўрганишда умумий боғлиқлик бўлса-да, кескин фарқ ҳам бор. Узлик деганда биз кўпроқ халқнинг миллий ўз-ўзини англашини тушуна- миз. Демак, бу интилишда ўзликни топиш, ўзликка етиш — бош мақсад. Билмакс, тасав- вуфда ўзликдан кечиб тарғиб этилади. Энди бу ераги ўзликни нафе, сўзи бутунги тасав- вуфимизда эго, аникрог, худбинлик деб фаҳмлаш керак. Бошқача айтганда, бунда ўзликдан кечиб, ўзликка ети- лди. Биринчи маънодаги ўзлик — жисм, иккинчи маънодаги ўзлик эса — рух. Жисмдан кеч- иб, руҳга етиш жондан айри- либ Оллоҳга етиш тарзида тал- қин этилади. Узликдан кечиб экидасоннинг бутун ва ҳамма замоналар учун аҳамиятли жи- хати шунаки, бу моҳит ин- соннинг бир эзу гоа, бир олий мақсад йулида ўзидаги

илмнинг амал билан уйғун- лигидан келиб чиқади. Кўп ўқитувчилар дарслари- да билимимизни кўрсатиб қўйиш учун иложи борица кўпроқ гапириб, фаол бўлишга интилар эдик. Бироқ бу устоимиз ҳузурла- рида, аксична, илмсизлиги- миз билдиниб қолишидан чўчиб, имкон қадар камроқ сўзлашга ҳаракат қилинарди. Чунки у киши, ҳеч кимнинг сўзини булиб ташламаслар- да, зимдан ҳуда-беҳудата ўзини кўз-кўз қилвердила- ганларни хуш кўрмасликлари- нинг сезар эдик, ўзлари ҳам илмий-адабий дарваларда минбарга интилавермас эди- лар.

1985 йил эди. Устоз бил- лан диссертация қўлтиқлаб профессор Натан Маллаев доманинг уйларига бордик: «Ун беш йил бурун ўзим- нинг ишимни Сизга олиб келган эдим, бугун шогирд-» Натан Муролович устоимизни таннамаганлар севилиб қолди. Туғридан-туғри, кимсиз, деб сўраш ноқулай. Эҳтимот, мавзуси- ни айтса, билиб оларман, деган уй билан бўлса керак, ўша ун беш йил бурунги диссертациянинг мавзусини сўрадик. «Оғайдиннинг тар- жимонлик маҳорати» деган сўзларни эшитганларим захоти, ишонасизми-йўқми, Натан Маллаев доманинг чех- ралари бирдан ёришиб кет- ди, катта кўчкларини кенг очиб, устоимизни қўчқаб олдилар-да, баланд қоматта мос жанронг овоз билди: «О-! «Ибн Сино ва Данте» — деб жобдорлар бехиҳтир. Карангчи, уйлари келган эди ҳаммасини қиёфасидан таннамай турибдилар-ку, лекин шунча қовун пишиқ ўтган бўлса ҳам, Оғайди тар- жимонлиги ҳақидаги бақув- ват диссертацияни Нажмид- дин Комиллов ёгани-ю, бу эзуқко олимнинг яқинда

Фаннинг захматкашлари

Фарбнинг «ғариб» Шарққа таъсири ҳақида миннатларга тула жилд-жилд китоблар чи- қиб ётган замонда буюк Шарқ алломаси Абу Али ибн Сино даҳосининг XIII-XIV аср улуг италийн шоири Дан- те Алигьери ижодига таъсири ёритилган эди-ла. Бирин-кетин чоп этилган «Бу қалмий санъат» рисо- ласи, ҳаммуаллифликка эил- ган «Дўстлик кўприклари», «Таржимон маҳорати» моно- графиялари, «Шарқ юлдузи», «Тулистон», «Ўзбек тили ва адабиёти» журналлари, «Тар- жима санъати» алманасида боилган бақувват-бақувват мақолалар олимни элга та- ништируси эди. Лекин Наж- миддин Комиллов адабиёт- нинг юрагини билдиган олим», — дедилар телевиде- ниедаги бир сўбатда Абдул- ла Орипов. «Биз — мунақ- қидлар адабиёт ҳақидаги чи- накам мақолани қандай ёишни Нажмиддин Комил- дан ўрганишимиз керак, деб ҳисоблайман», — дедилар бир- гал Иброҳим Ғабуров Эзув- чилар уюмаси миғбаридан туркиб. «Мулло Нажмиддин — ўзбекнинг бахти», — дедилар устоз Ғайбулла ас-Салом бир йилинда. — Хали ундан хал- қимизга қўп наф тегади...»

1988 йили ёқланган «Хо- разм таржима мактаби» ма- вузида докторлик диссертациясида XIX асрда Хоразмда таржимачиликнинг алоҳида бир мактаб дараҳасида ра- вақ топганига оидил булган асосий жиҳат — миллий ўз- ўзини англаш илтижи эди, деган умумий хулоса исбот- ланди. Муҳаммад Раҳимхо- ни Соий — Ферузининг маъ- навият ва маърифат, адабиёт ва таржима ишига раҳнамо- лиги, Мунир, Оғайди, Ко- мил, Мирзо, Саодий, Му- ҳаммад Амин ва бошқалар- нинг таржимонлик фаоли- яти ва қайта яратили маҳора-

## «ШУБЕРТБУНД» ЎЗБЕКИСТОНДА

Шу йил 30 сентябрдан мамлакатимизда таниқ- ли немис «Шубертбунд» эркеклар хори ўз концерт дастурини намойиш этмоқда. Ушбу дастур ўзбек- немис маданий алоқаларини кенгайтириш, икки дав- лат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳ- камлашга қаратилган.

«Шубертбунд» хори 1923 йилнинг октябр ойида таш- қил этилган. Хорни Эссен шаҳрилик талбиркор Лео Фюрманн моддий жиҳатдан таъминлаб турган. Фюрманн ўшбу ансамблини қобилиятли ижрочилар жамоаси тарзида тузган.

Улар ўз олдларига немис халқи қўшиқларини асраш билан бирга замонавий хор музикасининг ривожига ёр- дам беришни мақсад қилиб олди. Унинг асарият қўшиқ- лари қўтилмаган ривож, гўзал оҳанглари кишини лар- зага солади.

Хор жамоаси ўзларига исм берган шахс — Шуберт но- мини эсдан чикармайдилар. Шуберт — немис қўшиқчи- лининг даҳо ижодкори эди. Унинг ёрдамида немис қўшиқлари бутун дунёга машҳур бўлди. Хар йили байрамларда кат- та концертлар бериладиган «Шу- бертбунд» хорини бутун дунё танийди. Улар ўз фаолияти- ни инсониятга, унинг маъ- навий дунёсини бойитишга қаратади. Жамоа Миср, Бел- гия, Чехия, Венгрия, Анг- лия, Финляндия, Франция, Руминия, АҚШ, Филиппин каби давлатларда гастрол са- фарларига бўлиб, ўз санъа- тини намойиш этган.

Жамоянинг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳар- ларида ўтказилган концерт дастурули «Ғарб-Шарқ Лево- ни» изидан. Буюк илпак йули поэзияси» деб номлан- ган. Бунга сабаб, бу йил буюк немис шоири Иоган Волфганг Гётенинг 250 йиллик юбилейи кенг нишонланади ва хорнинг репертуарида шoir қаламига мансуб шеър- ларга ёзилган бир неча му- сика асарлари мавжуд.

Миллий матбуот маркази- да бўлиб ўтган Ўзбекистон- Германия маданий алоқалари- га бағишланган матбуот ан- жуманида «Шубертбунд» ра- исис жаноб Россдорфер ҳамда талбир хормийлари журнал- ларни қизиқтирган саволлар- га жавоб берди. Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият ишлар вазирлиги, Давлат ва жамият қурилиш академияси, Конрад Аленауэр номидаги жамғарма, журналларнинг қайта тайёрлаш халқроқ жа- моатчилик маркази ҳамкорли- гига амалга оширилган.

А. ЖҲРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Қарор ва ижро

да бўлса 1350 та телефон нуқтаси бор. Шу нуқталардан ҳамаси 2200 таси ишлаб турибти.

Кумқўрғоннинг худуди катта. Ста- нига ҳам энди ўзингиз баҳо бераве- ринг.

Тўғри, филиал бошлиги Ж. Шой- мардонов эзуқ қишлоқларда ҳеч

## АЛЛО, ҚУМКЎРҒОННИ ЭШИТИНГ

бўлмаганда иккита-учта телефон ишлаб турсин, деб ҳаракат қилаяпти. Масалан, яқинда Хужамуқ деган қишлоқда алоқа хизмати қайта тикланди. «Оққопчиғай», «Қум- қўрғон» томонлардаги узилиб қол- ган телефон симларини улаш ре- жалари тузилмоқда. Ёш бошлиқнинг ҳаракати яхши. Лекин бу ҳаракат ишни яхшилашга камлик қилиши-

Кумқўрғонда телефонлар бўғи- либроқ... (жаранглайди десак, му- болоға бўлар) жиринглайди. Кўнги- роқлари гўё занглаб қолгандай. Бу- нинг устига телефондаги икки то- моннинг гапига яна аллақандай оҳанглар — сибизганинг ҳўштаги- ю, буғ қозоннинг пишиллашига монанд овозлар аралашиб турган- га ўхшайди.

Бунинг сабабини тегишли идо- раларнинг раҳбарларидан сўрасан- гиз, улар, АТС деган мошинларимиз — эски, ҳо-ов бир замонлар Шўрчи тумандими, чиқариб таш- лаган ускуналар бу ерга олиб ке- либ ўрнатилган, дейишади.

Кумқўрғоннинг бир «қилиғи» ҳамини ортиқ бўлиб туралган теле- фонларини хондонларига ўтқа- зиб олишга одамлар кўп ҳам қизиқмай қўйгандай. Виллот теле- ком шўба корхонаси туман фи- лиалининг бошлиги Жума Шой- мардоновнинг айтишича, шаҳарда бўлса бир ярим минг, қишлоқлар-

Реклама ва аълоқлар 136-09-25

### ЛОК КОЛОР СИНТЕЗ ҚУШМА КОРХОНАСИ

ГАЗ-3110 автомобилни сотади (Двигатель инжектор, тўлиқ электропакет). 1998.06да ишлаб чиқарилган, 37 минг км. масофани босиб ўтган. Тел.: 191-47-41, 191-80-94, 191-74-63.

### «ЎЗМАШСАВДО» АЖ

Тошкентдаги омборхонасидан

- ЗИЛ - 43140 (бортли),
- ЗИЛ - 44150 (шатакчи),
- ЗИЛ - 43160 (юк ташувчи),
- ГАЗ - 5312 (ғилдираклик қисм, шасси)

АЦ - 3307 (ёқилги ташувчи автомобилларни), Автобус 25 уринли.

Ишлаб чиқарувчиларнинг нархларидан арзонроқ нарҳда сотади.

Сотилётган автомобиллар ва автобусга ДАН бошқармасида рўйхатга қўйиш учун ҳисоб маълумотномаси (смет-справка) тақдим этилади.

Манзил: 700059, Тошкент ш., Усмон Носир 1-тар кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 53-62-54, 53-69-17, 53-83-04.

### ТОҒЛИ ҚИШЛОК ШИФОХОНАСИ

Фаргона водийсини мам- лакатимиз пойтахти билан боғловчи «Тошкент-Ўш» авто- мобиль йўлининг Қамчиқ довоини қисмида улкан бунёд- корлик ишлари олиб бориляпти. Шунингдек, бу орада қўлпаб ижтимоий иншоотлар ҳам барпо этилаётир. Яқинда довоинга кўтарилверилдаги Резак қишлоғида фойдалани- нишга топширилган кичик ши- фохона тоғ аҳолиси ва йўқловчилар учун яна бир қўлайлик бўлди.

Икки қаватли ушбу замо- навий бинода тиббий хизмат- нинг ўнлаб турларидан фой- даланиш мумкин. Айниқса, аёллар маслаҳатхонаси ва бо- лалар касалликлари мутахас- сислари ёрдами Поп тумани- нинг энг чекка қишлоғи бўлган Резак аёлларининг жо- нига аро кирди. Бундан таш- қари, жарроҳлик амалиёти хо-

СУРАТЛАРДА: шифоҳонанинг умумий қурилиши; Бош ҳақим Ғуломжон Жўраев бо- лали аёлларга тегиш- ли маслаҳатлар бера- ётган пайт.

Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.

БОЛАЛАР УЧУН БОҒ

Бугун Жиззахда бўлган киши шаҳарнинг кўркям қиёфасидан завқ олиши табиий. Шаҳарда қад ростилаётган маданий-маиший иншоотлар, маънавият ўчоқлари — мактаб, боғча, кутубхоналар, турар-жой бинолари шаҳар кўрмига кўрк қўймоқда.



СУРАТЛАРДА: болалар истироҳат боғи лавҳалари акс эттирилган. Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

АЛПОМИШНИНГ ИСМИНИ БИЛАСИЗМИ?

Ўзбек халқи кўп асарлардан бунин «Алпомиш» дostonини тинглаб келмоқда. Бу дoston хинд халқининг «Рамаяна», киргиз халқининг «Манас» эпик дostonлари каби жудо қадимий ва дунё халқлари ижоди шодасидоги битта марварид экани ҳақиқат. Зоро, тарихининг азобли чигиркларидан ўтиб бизгача етиб келганининг ўзиёқ асарининг салохиятини кўрсатиб турибди.

топган жойлар мавжуд ва бу жойлар ҳозир ҳам ўша номлар билан аталади. Бу ҳол дostonнинг Сурхондарё воқеасида яратилгани ва сўнгра туркий халқлар дунёсига тарқалганлигига гувоҳ бўла олади.

динининг кириб келиши таъсирида «Алпомиш» дostonи қаҳрамони Алп Банзи Буйранинг номи Ҳакимбекка айланиши ажабланарли ҳол эмас.

аймоқдин мени келтириб ва никоҳига акат боғлаб эрди? Бу асардан парча келтиришимиздан мақсад Сухробнинг ўғли, паҳлавон Рустамнинг невараси эканини айтиш эмас, йўқ, мақсадимиз «Бойсун» атамасининг жудо қадимийлигини ва «Шоҳнома» асарининг қаҳрамони паҳлавон Барзу билан «Алпомиш» дostonи қаҳрамони алп Банзининг исмлари оҳангдошлигидир, ҳамла ҳар иккаласи «Бойсун» деган атама билан боғлиқ эканини билдиришидир.



1906 йилда форс шоири Фирдавсийнинг машҳур асари «Шоҳнома» туркийчага насрий таржима қилинган. Шу таржима асарининг 290-291-саҳифаларида паҳлавон Рустамнинг паҳлавон Барзу билан жанги тасвири берилган. Паҳлавон Рустам Барзунинг ўлдиршига шайланганда Барзунинг онаси келиб қолади. Келинг яхшиси китобнинг ўзига мурожаат қилайлик: «Шеруя: — «Аввал ханжарни ташлагил» — деб Рустам рўбарўсига келди: — «Эй шаҳи кимрўз, Бу Барзу Сухробни пилини жигарпора-сидур, Санга набираи киром». Рустам Сухроб отини эшитиб, Барзу сийнасининг қаро ер устига ханжарини ташлади. Дедиким: — «нечукдин Сухробга ўғил бўлмай?». Шеруя айтиди: — ул кунекум, Сухроб бу жонига юз келтурди, Бойсун деган

Ҳар бир халқнинг қаҳрамонлик дostonлари тилдан-тилга, хотирадан-хотирага, авлоддан-авлодга ўтиб минг йиллар давомида сайқал топади. «Алпомиш» дostonи ҳам ўзбек халқи ўз бошидан кечирган ибтидоий уруғчилик давридан тортиб то қабила ва элатлар пайдо бўлишигача ўтган тарихий жараёни қамраб олган. «Алпомиш» дostonи анчайин ўрганилган бўлишига қарамай, ҳали жавоби топилмаган саволлар ҳам йўқ эмас қабилдаги савол хануз баҳс-муназаралигича қолмоқда. Чунотчи Алпомиш тарихий шахси ми ёки халқимизнинг иждокор бахшилари, шоирлар яратган хаёлий қаҳрамонми?!

Афсоналар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳар бир афсонанинг ибтидосида тарихий ҳақиқатлар яшириниб ётади. Дostonнинг барча вариантларида Алпомишнинг тутилган жойи Бойсун, исми эса Ҳакимбек деб таъкилланган. Ҳақиқатан ҳам Бойсун тумани қудулдида ва унга чегаралаш туманларда дostonда ўз тасвирини

Манзура — қишлоқ қиз. Хатирчи туманида яшайди. Ихтисослашган спорт мактабига қатнайди. Стол теннис бўйича халқаро тоифали спорт устаси. У бунга 12 яшарлигида эришган. Гарчи, эндиликда 15 баҳорни қаршилаган бўлса-да, кўп мамлакатларда ўтказилган турли мусобақаларда қатнашиб улгурди. Анниқса, Покистондаги халқаро мусобақалар ва унда Ўзбекистон терма жамоаси сафида совринли ўринни эгаллашган Манзурага ишонч бағишлади. Утган йили Таиландда ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам мутахассислар эътиборини тортиди. Шундан сўнг Манзура Иноятова стол теннис бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси сафидан мустаҳкам ўрин олди. Хатирчи яқинда қушхабар келди. Швецияда ўтказилган аёллар ўртасида стол теннис бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси бош совринчи эга бўлди. Жамоа сафида Манзура ҳам жаҳон чемпион бўлди. Шаҳсий биринчиликка эса қумуш медални кўлга киритиб муваффақият қозонди.

П. ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ГУЛИСТОНДА «ФЬЮЧЕРС» ТУРНИРИ

Яқинда Гулистон шаҳрида барпо этилган энг гўзал спорт мажмуазларида бири «Алпомиш» саройининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Уша кўни бу ерда теннис бўйича халқаро «Фьючерс» («Истикбол») турнирига ҳам старт берилди.

Кан сўз олиб «Алпомиш» спорт саройи нафақат Ўзбекистонда, балки дунёдаги энг гўзал мажмуазлардан бири бўлганини алоҳида таъкиллади. Унинг фикрича, бу ерда жаҳоннинг энг кўзга кўринган спортчилари ҳам бемалол баҳс бойлаш имкониятига эгадирлар.

Турнирда Австралиа, Бельгия, Испания, Россия, Украина, Исродил, Туркия, Молдова, Қозғистон, Ўзбекистон каби давлатларнинг энг машҳур теннисчилари қорпта чиқди. Гулистонликлар бир ҳафта давомида мукофот жамғармаси 10 минг АҚШ доллари бўлган беллашуларнинг гувоҳи бўладилар.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

XXI АСР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ !!! ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРИНИ ТЕЗҚОРЛИК БИЛАН Intellect МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ВИДЕОКУРС

«Платинум компани» алюминий ВИТРАЖЛАР, РОМЛАР, ЭШИКЛАР, ТИК ДАРПАРДАЛАР

МЕБЕЛЬ СИЗНИНГ ХОНАДОНИНГИЗ УЧУН БУЮРТМАЛАР БЕВОСИТА ИТАЛИЯ ВА ПОЛЬШАДАН КАТАЛОГЛАР БЎЙИЧА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.

Радио алоқа тизимлари бепул эфир

AMERICAN COUNCILS FOR INTERNATIONAL EDUCATION ACCELS ЭЪЛОН Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши: шуни эълон қиладики, 1999 йилнинг 1 октябридан бошлаб бош офис: ( Лоҳутий кўчаси, 16-а уй) Конституция кўчаси, 68-уй

ХАЛҚАРО АНЖУМАН Тошкентдаги «Киночилар уйи»да экология ва саломатлик кунларининг III босқич тадбирлари доирасида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси иқтисодий таҳлил ва истиқболни белгилаш бўлими етакчи иқтисодчиси Ш. Сағатованинг Эркин САГАТОВНИНГ бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихдор қилади.

«Ўзбекистон» уюшмаси, «Пилла-холдинг» холдинг ва «Шойи» акциядорлик компанияларининг жамоалари, уюшма кенгашининг аъзоси, Каттақўрғон иппак кўрти уруғчилик корхонасининг раҳбари, фахрий пиллачи Улуғмурод ЖУМАНОВНИНГ бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ихдор қиладилар.

Умумийлик моллари кимёби институти жамоаси илмий котиб, кимё фанлари номзоди Тоҳир Дўстмухамедовга фарзанди Ботир ДУСТМУҲАМЕДОВНИНГ бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўрта Осиё транс» халқаро автотранспорт нақлиёти давлат акциядорлик компанияси жамоаси бошқарув раиси Хондамир МАМАТОВАГА таъзия Ухидовберган МАМАТОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихдор этади.

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ (бош муҳаррир уринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК, М. САФАРОВ, Р. ФАҲОДИЙ, И. ХУДОЕВОВ, О. ШОҒУЛОМОВ, И. ҚОШИБЕРГОНОВ (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҚОШИМОВ. БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодийёт — 136-36-65; Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85; Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 0820, 23276 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А-2. Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди. Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — А. МАДАТОВ. Навбатчи — М. ҚОСИМОВА. Мусахҳах — А. САТТОРОВ. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тахрирда ҳажми 5 қозғдан зиёд материаллар қабул қилинмайди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 22.30 1 2 3 4 5 6